

## PARTIZIP II ШАКЛЛАРИНИНГ МАЬНО ЖИҲАТДАН ФАРҚЛАНИШИ

Юлдашева Н.

Мазкур мақола немис тилида сифатдош 2 (**Partizip II**) шаклларининг маъноси ва улар ўртасида мавжуд бўлган фарқлар сабабларини аниqlашга бағищланган. Немис тили грамматикаларида (қаранг: [Engel, 2009], [Helbig, Buscha, 1987], [Shendels, 1988] берилган маълумотларни таҳлили бўйича Partizip II шаклларининг маъноси феълнинг ўтимли/ўтимсиз ва чегараланган/чегараланмаган хусусиятларига боғлиқ.

Немис тилида барча феъллар терминатив (чегараланган) ва курсив (чегараланмаган) гурухларга бўлинади. Терминатив феъллар вақт оқими жиҳатидан табиий якунига келадиган жараённи билдиради. Масалан:

ўтимли феъллар: *bringen, finden, bemerken, übergeben* ва бошқалар;

ўтимсиз феъллар: *kommen, wegfahren, fortgehen, einschlafen, verschwinden, erblühen* ва бошқалар).

Курсив феъллар давомийлик маъносини, яъни ҳеч нарса билан чекланмаган жараённи билдиради. Масалан:

ўтимли феъллар: *tragen, suchen, lieben, fühlen* ва бошқалар;

ўтимсиз феъллар: *gehen, laufen, fahren, schlafen, blühen* ва бошқалар.

Бу икки гурухлар ўртасида аниқ чегара белгилаб бўлмайди. Кўпгина феъллар ҳам терминатив, ҳам курсив маънога эга бўлиши мумкин. Бу одатда баёнотнинг мазмунига, яъни контекстга боғлиқ бўлади. Таққосланг:

*Jacques lebte im allgemeinen sehr mäβig, er rauchte wenig und trank fast nichts.* (B. Kellermann) – чегараланмаган (курсив) давомийликни англатувчи феъллар (*rauchen, trinken*).

Ўз маъносига қўра ўтимли феълларнинг **Partizip II** шакли ўтимсиз феъллардан ташкил топган сифатдош ІІдан анча фарқ қиласи. Ўтимли феъллардан ясалган **Partizip II** доимо пассив маънога эга бўлади.

Таққосланг: *das gelesene Buch — das Buch, das gelesen worden ist.*

Paris glich einer belagerten Festung. (W. Bredel).

Чегараланган маъноли ўтимсиз феълларнинг **Partizip II** ўз вазифа-лариға кўра чегараланмаган маъноли ўтимсиз феълларнинг сифатдош 2 шаклидан сезиларли даражада фарқ қиласди. Чегараланган ўтимсиз феълларнинг Partizip II шакли ҳамиша фаол маънога эга: *die angekommene Delegation* (етиб келган делегация), *die Delegation, die angekommen ist.* Масалан: *Frieda Brenten umarmte und streichelte ihren nach dreizehn Jahren heimgekehrten Sohn* (W. Bredel).

Чегараланган ва чегараланмаган маъноли феълларнинг ўртасида мавжуд бўлган семантик фарқ, сифатдош 2 функцияларга нисбатан ўтимли феъллар учун унчалик ҳал қилувчи рол ўйнамайди. Бу фарқ ўтимсиз феъллар учун купроқ аҳамиятга эга. Бироқ ўтимли феълларнинг **Partizip II** темпорал-аспектуал маъноси ҳақида гап кетганда аҳамиятсиз эмас. Масалан:

*ich sehe (sah, werde sehen) die aufgegangene Sonne,*

*ich schicke ab (schickte ab, werde abschicken) den geschriebenen Brief.*

*Seine Nerven waren gestählt durch die Prüfungen der vergangenen Stunde. (H. Mann; Statt des verhafteten Holzklötzchens kam ein ganz junger Bub... (A. Seghers).*

Чегараланган маъноли ўтимли феълларнинг Partizip II шакли баъзан иш-ҳаракат натижасида вужудга келган сифатни (холатни) билдиради.

Таққосланг: *Er sah sich in einem ziemlich großen, halbdunklen Gemach: die Fenster waren verhängt. (Th. Mann); Ein Mann kam mit einer alten reparaturbedürftigen Spieluhr, ein anderer mit einem von einem Bastler gebauten Radioapparat... (A. Scharrer).*

Чегараланмаган маъноли ўтимли феълларнинг **Partizip II** тугалланмаган жараённи билдиради ва гапнинг предикатига нисбатан бир вақтда содир бўлганликни (Gleichzeitigkeit) ифодалайди. Таққосланг:

*Er fuhr, von Erika begleitet, in geschlossenem Wagen zum Bahnhof... (Th. Mann); Er hatte sich so stark an seine neue Frau gewöhnt, daß er kaum mehr darüber nachdachte, daß das erwartete Kind nicht seines war. (A. Seghers).*

Феълларнинг хусусиятлари	Мисоллар	Partizip II маънолари
Ўтимли чегараланган: <i>verfilmen, erfüllen, erschrecken, finden, vortragen</i>	<i>der verfilmte Roman, der erfüllte Wunsch, das erschrockene Kind, die gefundene Tasche, das vorgetragene Gedicht</i>	Пассив (мажхул нисбат); жараённинг тугаллаганлиги; предикат ифодалаган воқеа-ҳодисадан олдин содир бўлганлик (Vorzeitigkeit)
Ўтимли чегараланмаган: <i>lieben, verehren, tragen, suchen</i>	<i>Die geliebte Mutter, unsere verehrten Gäste, das auf dem Arm getragene Kind, er ist ein gesuchter Arzt (= ein begehrter), gesuchter Stil (= gekünstelter)</i>	Пассив (мажхул нисбат), давомли ҳолат, предикат ифодалаган воқеа-ҳодиса билан бирвақтлик (Gleichzeitigkeit)
Ўтимсиз чегараланган: <i>aufstehen, verblühen, abreisen, einschlafen</i>	<i>Der aufgestandene Schüler, die verblühte Nelke, die abgereiste Delegation, das eingeschlafene Kind</i>	Фаол (аниқ нисбат), жараённинг тугаллаганлиги; предикат ифодалаган воқеа-ҳодисадан олдин содир бўлганлик
Ўтимсиз чегараланмаган: <i>stehen, blühen, reisen, schlafen</i>	<i>Früher hat hier eine Linde gestanden; die Blume hat nicht lange geblüht; das Kind hat ruhig geschlafen</i>	Фақат аналитик шаклниг таркибига кирувчи компоненти (қисми) сифатида қўлланилади (масалан, перфект, плюсквамперфект)

Қўйидаги жадвалда биз сифатдош 2 шаклларининг маъно жиҳатдан мавжуд бўлган фарқланиш ҳолатларини ва улар нимага боғлиқ бўлганини намоён киламиз.

**Адабиётлар:**

- Engel U. Deutsche Grammatik. Neubearbeitung. München: Iudicium Verlag. 2009.
- Helbig G., Buscha J. Deutsche Grammatik. Ein Handbuch für den Ausländerunterricht. 10, unveränd. Aufl. – Leipzig: Verlag Enzyklopädie, 1987. –
- Shendels E. Deutsche Grammatik. M.: Издательство «Высшая школа». 1988.